

**“Ер тузишни лойихалаш” фанидан ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИ ВА
ЕРДАН Фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш
мавзусидаги кўргазмали маъруза таълим технологияси модели**

Вақт 2 соат	Талабалар сони 90
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	кўргазмали маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Ер эгалиklarини ва ердан фойдаланишларни ташкил этиш
<i>Ўқув машғулот мақсади</i>	“Қишлоқ хўжалиги ер эгалиklarини ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш” тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш
<i>Педагогик вазиятлар</i> 1. Ер эгалиklarини ва ердан фойдаланишларни ташкил этишни тушунтиради	<i>Ўқув фаолияти натижалари</i> 1. Ер эгалиklarини ва ердан фойдаланишларни ташкил этишни тушунишади
<i>Таълим усуллари</i>	маъруза, ақлий ҳужум, мунозара
<i>Таълимни шакллантириш шакли</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим воситалари</i>	маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар
<i>Таълим бериш шароити</i>	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров: тезкор сўров

**“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИ ВА ЕРДАН
 ФЙДАЛАНИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ** мавзусидаги
 кўргазмалимаъруза технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиға кириш 20 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот кўргазмали маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. Ақлий ҳужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова)	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намоиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади. 2.2. Мавзу режаларига хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади. 2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова)	Тинглайдилар, дафтарға ёзиб оладилар, саволлар берадилар Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

1. ХАЕТда нималар асосий аҳамиятга эга?
2. Янги қишлоқ хўжалик корхоналари қандай вазиятларда ташкил қилинади
3. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ўлчамларини аниқлашда қандай тамойилларга амал қилинади?
4. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ўлчамларини аниқлаш тамойилларини тушунтириб беринг?

(2-илова)

**МАВЗУ: “ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕР ЭГАЛИКЛАРИ ВА
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
ТАРТИБГА СОЛИШ ”**

Режа

1. Ер эгалиklarини ва ердан фойдаланишларни
ташқил этиш

Ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни ташкил этиш

Қ/х корхоналарининг ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш, унинг натижасида қ/х маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун янги ер участкаси яратиладиган ва расмийлаштириладиган, ўз ичига лойиҳани тузиш, асослаш, тасдиқлаш ва у жойига кўчиришни оладиган ер тузиш ҳаракатларидан иборат бўлади

Ҳар бир ер эгалигини ва ердан фойдаланишни тўғри ташкил этиш, хўжаликнинг кейинги фаолияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. У хўжаликлараро ер тузиш ёрдамида амалга оширилади. Лойиҳа мазмунини ташкил этадиган асосий масалалар, унинг **таркибий қисмлари** деб аталади. Улар ўзаро боғлиқ, аммо уларнинг ҳар бири белгили даражада мустақил, махсус усул бўйича ечиладиган масала ҳисобланади.



Лойиҳани ишлаш услубиятини келтирамиз.

1. Ер эгалиги (ердан фойдаланиш) майдонини белгилаш.

Хўжаликларнинг ер майдонлари уларнинг ихтисосликларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмига қараб белгиланади. Ажратиладиган ер майдони оқилона бўлиши шарт.

Оқилона майдон деб (худудий, кенглик тарзида) шундай майдон ҳисобланадики, унда бошқариш сақланади ва ишлаб чиқариш харажатлари ва масофаларни босиб ўтиш билан боғлиқ сарфлар йўл кўярлик даражада бўлади (юқори чегара); хўжаликнинг барча тармоқлари ва соҳалари муваффақиятли фаолиятлари ва ривожланишлари учун зарур ер турлари билан таъминланади (пастки чегара).

$$P_3 = f(C, Y, B, T, M, \Phi),$$

Бу хўжаликни самарали юритишни таъминловчи максимум ва минимумдир. Ер эгалиги (ердан фойдаланиш) майдони - кўп омилли функциядир:

бунда C - хўжалик ихтисослиги; Y - ҳайдалма ерлар ва қишлоқ хўжалик ерлари улуши; B - ерларнинг маҳсулдорлиги; T -меҳнат билан таъминланиш; M - фондлар билан таъминланиш; Φ - инвестициялар (хусусий ва жалб этилган пул воситаларининг мавжудлиги).

Лойиҳани ишлашда ер эгалигининг (ердан фойдаланишнинг) ҳисобланган майдонини аниқлаш керак. Уни аниқлаш учун илмий муассасаларнинг шу ҳудуд ва белгиланган ихтисослик бўйича хўжаликнинг оптимал ер майдони тўғрисидаги тавсияларидан ёки қўйида келтирилган усулларнинг биридан фойдаланиш мумкин: **ўхшашлик усули; статистик гуруҳлаш усули; ўрта кўрсаткичлар усули; иқтисодий-статистик моделлаш; конструктив ҳисоб-китоблар усули; иқтисодий–математик усул ва бошқ.**

Хўжаликлар ер майдонларини аниқлашда асосан илмий тавсияларга эътибор қаратилади. Илмий тавсиялар билан бир қаторда ўхшашлик усули ҳам қўлланилади. Бунинг учун илмий тавсияларда берилган хўжалик ер майдони шу ҳудудда белгиланган ихтисослик бўйича хўжалик юритаётган илғор хўжаликлар ер майдонлари билан таққосланади.

Қабул қилинадиган ечимнинг янаям асосланган бўлишини таъминлаш учун юқорида келтирилган **услугият иқтисодий статистик усул билан тўлдирилади.** Бунда илғор хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фаолиятлари статистик таҳлил қилиниб, лойиҳаланаётган хўжалик ер майдонининг мақсадга мувофиқ ўлчамлари аниқланади.

Статистик гуруҳлаш ёрдамида ҳар хил ер турларига ва майдонларига эга бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари қатор кўрсаткичлар (товар маҳсулотлари қиймати, соф фойда ва бошқ.) бўйича таҳлил қилинади. Бунинг натижасида бир гектар ер ҳисобига кўп ялпи ва товар маҳсулот етиштириладиган хўжаликлар аниқланиб, уларнинг ер майдонлари оқилона майдон сифатида қабул қилинади.

Ер тузишни лойиҳалаш жараёнида кенг тарқалган усуллардан бири **конструктив ҳисоб-китоб усулидир**. Бу усулнинг жуда кўп турлари мавжуд бўлиб, уларда асосан масаланинг ҳар хил ечимлари ишланиб, юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинади ва энг самарали ечим танлаб олинади.

Айрим ҳолларда **иқтисодий математик** усулни қўллаш яхши натижа бериши мумкин. Бунда кўпинча экин майдонлари ёки ер турларининг оптимал таркибларини топиш учун иқтисодий-математик моделлар тузилади ва масаланинг оптимал ечими топилади.

Ер эгалигининг (ердан фойдаланишнинг) ҳисобланган майдони аниқланганидан кейин, аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда, унинг охириги лойиҳавий майдони белгиланади. Шундай қилиб, лойиҳанинг бу қисмини ишлаш ўз ичига **иккита масалани** олади: **ер эгалигининг (ердан фойдаланишнинг) ҳисобланган оқилона майдонини ва лойиҳавий майдонини белгилаш.**

2. Ер эгалигини (ердан фойдаланишни) жойлаштириш ва шакллантириш.

«Жойлаштириш» тушунчаси ўз ичига хўжаликнинг ва унинг ер эгалигининг (ердан фойдаланишининг) жойлашадиган ўрнини аниқлашни, ер эгалигига (ердан фойдаланишга) мақсадга мувофиқ шакл беришни олади.

**Ер эгаликларини ва ердан
фойдаланишларни жойлаштиришда,
яъни улардан ҳар бирининг
жойлашган ўрнини аниқлашда,
қуйидаги талабларни бажариш керак**

**ер эгалиги ва ердан
фойдаланишни қулай
шаклда, табиий ва
сунъий тўсиқлар
билан бўлинмаган,
ягона, ихчам шаклда
яратиш**

**ҳудуднинг мавжуд
тузулишини ва
аҳволини ҳисобга
олиш**

**аҳоли яшаш жойлари жойлаши-
шини ва иқтисодий аҳамиятини,
алоқа йўллари ва марказга
нисбатан жойлаштирилиши
керак бўлган қишлоқларни
жойлаштиришни мумкин бўлган
ечимларини ҳисобга олиш**

**олдин сарфланган
капитал харажат-
лардан тежамли
фойдаланиш**

ер эгалигининг (ердан фойдаланишни) энг кам узунлигини таъминлаш

ер эгаликлари ёки ердан фойдаланиш бир неча участкадан ташкил топганда, уларнинг ўзаро узоклиги минимал, улар орасидаги алоқа эса қулай бўлиши керак

хайдалма ерлар, сув йиғиладиган майдонларни, суғориладиган ва захи қочириладиган ерларни бир неча хўжаликлар чегаралари билан бўлмаслик, ирригация-мелиорация тармоқларининг, эрозияга қарши тизимларнинг ва бошқ. фаолиятини таъминлаш

ер эгалигини (ердан фойдаланишни) ва унинг чегараларини жойлаштиришда кейинги, хўжалик ҳудудини ички ташкил этиш учун қулай шароит яратиш

маъмурий туман ёки олдинги майдони бўйича йирик хўжалик ҳудудида фермер (деҳқон) хўжалигини ёки бошқа майдони кичик корхонани ихтисослигини, маҳсулотларни сотиш ва уни қайта ишлаш жойлари жойлашишини ва узоклигини ҳисобга олиб жойлаштириш

хўжаликни инженерлик тармоқлари билан таъминлаш, ҳар бир ер эгалигига, ердан фойдаланишга йўллар билан эркин келиш учун шароит яратиш

фермер хўжаликлари хўжаликлараро кооперацияси (бирлашиши) учун ҳудудий шароит яратиш

табиатни муҳофаза қилишни таъминлаш

Хўжаликлар ер майдонларининг ихчамлиги ихчамлик коэффициенти ёрдамида аниқланади. Ихчамлик коэффициенти деб, хўжалик ер майдонининг периметрини шу майдонга тенг квадрат периметрига бўлинганда олинган қийматга айтилади.

$$K_u = \frac{P}{4\sqrt{S}}$$

бунда P – хўжалик ҳудуди периметри, км; S – хўжалик ер майдони, км². Ихчамлик коэффициенти хўжалик ер майдони шакли тўғрисида умумий тушунча беради.

Маълумки, ер майдони шакли хўжаликдаги юкларни ташиш масофасига таъсир қилади. Хўжаликдаги транспорт харажатларини ҳисоблаш учун юк ташишнинг ўртача масофаси аниқланади. Ўртача масофа хўжалик ерлари майдонига ва унда хўжалик марказларининг жойлашишига боғлиқ. Ўртача масофа қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$R_{\bar{y}} = \frac{P_1 r_1 + P_2 r_2 + \dots + P_n r_n}{P_1 + P_2 + \dots + P_n} = \frac{\sum Pr}{\sum P}$$

бунда, $R_{\bar{y}}$ – ўрта масофа, км; P_1, P_2 – ер бўлаклари майдонлари, га;

r_1, r_2 – хўжалик марказидан ер бўлақларигача бўлган масофа, км.

Ўртача масофа қиймати билан қишлоқ ўрни ва ер эгалиги (ердан фойдаланиш) орасидаги боғлиқлик қуйидагидек намоён бўлади:

ер эгалигининг (ердан фойдаланишнинг) бир хил майдонида ўртача масофа унинг периметри катталашгани, яъни, шакли ёмонлашгани сари ўсиб боради. Ўртача масофа қийматининг нисбий ўсиши периметрнинг нисбий ўсишидан катта бўлади;

хўжалик марказининг (қишлоқнинг) ер эгалиги (ердан фойдаланиш) марказидан унинг чегаралари томонига сурилиши, юкларни ташишнинг ўртача масофаси икки мартагача ўсишига олиб келади;

ер эгалигининг (ердан фойдаланишнинг) майдони ўсиши билан, қишлоқнинг ўрни ва шакли ўзгармаганда, ўртача масофа ўсган майдоннинг квадрат илдиздан чиқарилган миқдорига тўғри пропорционал тарзда ўсади.

3. Хўжалик қишлоғини жойлаштириш.
Янги хўжаликларнинг ер эгалиklarини ва ердан фойдаланишларини лойиҳалашда уларнинг қишлоқлари (йирик хўжаликларнинг марказий қишлоқлари) жойлаштирилади.

Хўжалик қишлоғини жойлаштириш ўз ичига қишлоқнинг ҳудудда жойлашадиган ўрнини аниқлашни; қишлоқ биноларини жойлаштириш учун ер участкаларини танлашни; қишлоқ учун зарур майдонни аниқлашни олади.

4. *Ер эгалиги (ердан фойдаланиши) таркибидаги ер турларини ва майдонларини белгилаш.* Бунинг учун қуйидаги масалалар ечилиши керак: **ер турларининг бир турдан иккинчисига ўтиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳа бўйича хўжалик ривожланиши учун зарур бўлган ер турлари таркибини ва нисбатини белгилаш ҳамда уларни жойлаштириш.**

5. *Ер эгалигининг (ердан фойдаланишининг) чегараларини жойлаштириш.* Хўжалик ер майдони чегараларини шундай жойлаштириш зарурки, бунда кейинчалик ўтказиладиган ер тузиш ишларини бажариш ва ердан самарали фойдаланиш учун қулай шароит яратилсин.

6. Хўжалик ҳудудини ички ташиқил этиш чизмасини тузиш. Хўжаликлараро ер тузиш масалаларини тўғри ечиш учун хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳасининг асосий масалаларини чизма (схема) тарзда ечиш керак бўлади. Бу масалалар: ишлаб чиқариш бўлимлари ер майдонларини ва хўжалик марказларини жойлаштириш; асосий йўл тармоқларини жойлаштириш; қишлоқ хўжалик ер турларини ва алмашлаб экиш тизимини жойлаштириш ва бошқ.

1. Ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни қандай ташкил этилади?

2. Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг нечта таркибий қисми бор?

3. Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 1-таркибий қисмини тушунтиринг.

4. Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 2-таркибий қисмини тушунтиринг.

5. Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 3-таркибий қисмини тушунтиринг.

6. Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 4-таркибий қисмини тушунтиринг.

7. Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 5-таркибий қисмини тушунтиринг.

8. Қишлоқ хўжалиги ер эгалигини (ердан фойдаланишини) ташкил этиш лойиҳасининг 6-таркибий қисмини тушунтиринг.

Адабиётлар

- 1. Аvezбаев С , Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. - Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 786 б.
- 2. Avezbaev S., Volkov S.N. Yer tuzishni loyihalash. - Т.: “Faylasuflar milliy jamiyati”, 2007. – 470 b.
- 3. S.Avezbaev, T.Karabayeva. Yer tuzish. - Т.:TDAU, 2005. – 305 b.
- 4. Землеустроительное проектирование. Под.ред. проф. С.Н.Волкова. - М.: «Колос», 1997. – 608 б.

● Қўшимча

- 1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Т.: Адолат, 1999.
- 2. [www. Ziyo. net](http://www.Ziyo.net)
- 2. [http:www. guz. Ru](http://www.guz.Ru)